

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 5 январь, № 3 (5677) Шанба


## Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

*2012 йил ҳам тарих зарварақларига муҳрланди. Яна янги орзулар, эзгу ниятлар билан ҳаёт дея аталмиш улкан уммон бағрида келажак сари дадил қадам ташлашда давом этамиз. Лекин шундай лаҳзаларда барчамиз беихтиёр босиб ўтган йўлимизга бир назар ташлаб, бошимиздан кечирган воқеаларни, қувончли онларни, ютуқ ва марраларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, албатта, қалбимиз фахру ифтихорга тўлиб, шу кунларга етказганига минг бор шукроналар айтамиз.*




# Бунёдкорлик, янгиланиш ва истиқбол



2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” деб номланган эди. Ҳақиқатан ҳам, поёнига етган йил юртимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Бунинг амалий исботини, аввало, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётганида кўриш мумкин. Жумладан, 2008 — 2012 йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8,2 фоиздан кам бўлмади. Айни мана шу жиҳат нуфузли халқаро молия ташкилотлари вакиллари, иқтисодчилар, экспертлар ва мутахассисларнинг диққатини тортмоқда, қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Бундай муносабатларни биз 2012 йил пойтахтимизда Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилган икки йирик тадбир — “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”, шунингдек, “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференциялар давомида жуда кўп бор эшитдик. Уларда иштирок этган БМТ, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, ўнлаб давлатлардан келган етакчи олим ҳамда мутахассислар Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос жиҳатлари, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш тажрибаси, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида яратиб берилаётган имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишди. Фақат шугина эмас, меҳмонлар умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида ўқувчи ва талабалар билан дилдан суҳбатлашишди, тадбиркорлар, ҳунармандлар иши билан яқиндан танишишди. Хўш, таассуротлар қандай бўлди?






Дарҳақиқат, шукроналикда ҳикмат кўп. Айниқса, шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб, унинг моҳиятини янада теранроқ англаб етмоқдамиз. Жаҳоннинг турли ерларида ҳали-ҳануз нотинчлик, бекарорлик, қарама-қаршиликлар давом этаяпти. Айниқса, дунё иқтисодиётини жиддий синовдан ўтказаётган молиявий инқироз 2012 йилда ҳам қатор давлатлар, хусусан, ривожланган мамлакатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг пасайишига, оқибатда ижтимоий муаммоларнинг янада кескинлашишига сабаб бўлди.

Мана шундай мураккаб шароитда юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга эришилиб, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда янги марралар қўлга киритилгани Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган “ўзбек модели”нинг нақадар пухта ва ҳаётий эканлигини яна бир карра тасдиқлади.

Яхши биласиз, давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва

(Давоми 2-бетда).

**Эътироф**

*Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди.*

*2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз ўсди. 2012 йилнинг сентябригача бўлган даврда эса ушбу кўрсаткич асосий экспорт товарлар нархларининг юқорилиги, давлатнинг фаол иштирокида ички истеъмол ва инвестицияларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда амалга оширилган иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари натижасида 8,2 фоиз ўсди. Бунда хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг изчил ривожланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилди.*

**Вероника БАКАЛУ,**
**ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлиғининг ўринбосари.**

# Дориламон кунлар саодати

*Ўтган йилда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, эркин ва мустақил давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ислоҳотларимиз янги босқичга кўтарилди. Замонавий туражойлар, муҳташам таълим ва спорт иншоотлари, кўркам хиёбонлар, кенг ва равон йўллар бунёд этилди. Энг муҳими, Мустаҳкам оила йилидаги ана шундай эзгу ишларимиз Обод турмуш йилида янада кенг қамров касб этади.*

*Айни пайтда Президентимизнинг Янги йил табригидан руҳланган юртдошларимиз ўзгача ғайрат-шижоат, юксак орзу-мақсадлар билан эзгу ишларга киришмоқдалар. Буни уларнинг таҳририятимизга йўллаётган дил сўзларидан ҳам яққол англаш мумкин.*

## Юрт байроғини баланд кўтарамиз

Болалигимдан спортга меҳр қўйганман. Футбол ўйини — жону дилим. Ҳозир Тошкентдаги “Бунёдкор” футбол клуби академиясида таҳсил олаяпман. Ўтган йили жамоамиз қўлга киритган улкан муваффақият нафақат бизнинг, балки барча юртдошларимизнинг ёдида узоқ сақланиб қолиши, шубҳасиз. Чунки октябрь ойида Эронда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдик. Мусобақада мезбонлар, Жанубий кореялик, ҳиндистонлик тенгдошларимизни мағлуб этиб, финалда Япония футболчиларига рўбарў келдик. Жамоамиз 1:0 ҳисобида ортда қолаётган эди. Шунда бошқа мамлакатлардан келган мухлислар ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, бизни қўллаб-қувватлай бошлашди. Бундан руҳланиб, дастлаб ҳисобни тенглаштирдик. Сўнгра пенальтилар сериясида ғалаба қозондик.

Юртбошимизнинг Янги йил табригида 2012 йилда эришилган юксак марраларимиз тилга олинар экан, Эрондаги муҳим ғалабамизни яна бир бор эсга олдим ва 2013 йилда Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида жамоамизнинг чемпион бўлишини ният қилдим.

**Адҳамжон АҲМАДЖОНОВ,**
**Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, Осиё чемпиони.**

## Ниятимиз улуғ, аҳдимиз қатъий!

Янги йил остонасида қилинган яхши ниятлар инсонни йил бўйи юксак марралар сари чорлайди, дейишади. Мен ҳам кўплаб тенгдошларим қатори катта мақсадлар остонасида турганим боис Обод турмуш йилини кўтаринки кайфият билан қарши олдим.

Сабаби, ўтган йили туманимиздаги технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлаб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтдим. Бу борада коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида ажратилган 3 фоизли имтиёзли кредит қўл келди. Шу ҳисобдан ҳозир зарур коммуникация анжомларини сотиб олиб, аҳолига компьютер, алоқа ва тўлов хизматлари кўрсатиш шохобчасини ишга тушириш тараддудидаман.

Олдимда эса жуда катта вазифалар турибди. Энг катта орзуим — бундай имтиёз ва имкониятларга жавобан юртимизнинг бугунгидан-да обод ва фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшиш.

**Дилрабо БАДАЛОВА,**
**хусусий тадбиркор.**
Янгийўл тумани

(Давоми 2-бетда).

**Янгиликлар, воқеалар,**
## *хабарлар*

*Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи ўттиз иккита ёш оила Янги йилни янги уйларда кутиб олди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг Пиридастгир кўчасида қад ростлаган тўрт қаватли бу кўркам бинода яшаш учун барча қулайликлар мавжуд.*

### Кўркам уйлар файзи

У “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг Бухоро филиали томонидан ажратилган кредит маблағлари эвазига бунёд этилди. Мазкур муассаса бир неча ёш оилага шу уйлардан харид қилиш учун узоқ муддатли кредит ҳам ажратди. Эътиборлиси, вилоятда фаолият кўрсатаётган молиявий муассасалар аҳоли, хусусан, ёш оилаларнинг маиший шароитларини яхшилашга кўмаклашмоқда. Биргина ўтган йили вилоятдаги мингдан зиёд оила тижорат банкларининг ана шу йўналишдаги сармояларидан фойдаланди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Юксалиш одимлари

*Тошлоқ туманида бундан ўн йил аввал хорижий сармоя иштирокидаги биргина корхона фаолият юритган бўлса, айни пайтга келиб уларнинг сони 16 тага етди.*

“ДЭУ Текстиль” корхонаси ана шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларининг дастлабкиси. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган калава ипга 20 дан зиёд мамлакатдан буюртмалар келиб тушмоқда. Корхона жамоаси ўтган йилни муваффақиятли натижалар билан якунлади. Хусусан, 2012 йилда бу ерда тайёрланган салкам 71 миллион АҚШ долларилик маҳсулот четга сотилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан бирмунча зиёд кўрсаткичдир.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ноёб экспонатлар

*Андижон вилояти ўлкашунослик музейида бугунги кунда 68 мингдан ортиқ археологик осориатиқалар ҳамда турли экспонатлар сақланмоқда.*

Улар сонини янада кўпайтириш мақсадида 67 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар ҳамда “Кўҳна ва навқирон Андижон” деб номланган экспозиция лойиҳаси учун хориж технологияси асосида тайёрланган 117 миллион сўмлик витриналар келтирилди.

Бундан ташқари, музейда хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи совғалар дўкони, фотосалон ва бошқа турдаги сервис шохобчалари ҳам иш бошлади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қадим ва навқирон Самарқанд хитойлик журналист нигоҳида

*Хитойлик таниқли журналист Вей Син “Дунфан Цзаобао” ва “Метро экспресс” газеталари саҳифаларида “Шарқ жавоҳири” номини олган Самарқанд тўғрисидаги туркум мақолаларини эълон қилди. Уларда муаллиф “Мега-инфо-тур” лойиҳаси доирасида Самарқанд бўйлаб амалга оширган ижодий сафари чоғида орттирган таассуротларини газетхонлар билан ўртоқлашган.*

**Биз ва жаҳон**

Чиройли суратлар билан безатилган мазкур мақолаларда Вей Син бу афсонавий шаҳар юксалиш ва таназзул даврларини бошдан кечириб, бир неча маротаба четдан келган босқинчилар томонидан вайрон қилинганига қарамай, замонлар ўтиши билан тикланиб, янада чирой очиб борганини таъкидлайди. Муаллифнинг ёзишича, Форс салтанати, Хитой ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўллари айнан Самарқандда кесишган.

Хитойлик газетхонларга шаҳарнинг тарихи ҳақидаги маълумотларни тақдим этар экан, Вей Син ўрта асрларда Самарқанд буюк Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлганини қайд этади. Мақолаларда Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанд Шарқнинг энг маҳобатли шаҳарларидан бири ва Ислом маданиятининг марказига айлангани алоҳида таъкидланади. “Беқиёс меъморчилик услубларининг қўлланилиши туфайли Амир Темур даврида бунёд этилган иншоотлар аниқ ҳисоб-китоблар, мураккаб ва ўзгарувчан нақш ҳамда безаклари билан алоҳида ажралиб туради”, деб ёзади Вей Син.

Муаллиф Самарқанднинг кўҳна ўтмиш руҳи сақланиб қолган ажиб макон эканлиги хусусида қалам тебратар экан, мазкур шаҳар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олганини ўқувчиларга маълум қилади. “Бу заминда авлодлардан-авлодларга мерос бўлиб келаётган қадим меъморчилик, илм-фан ва адабиёт, миллий ҳунармандчилик намуналари ҳозирги пайтда бутун дунёга донг таратгандир”, деб ёзади у.

(Давоми 4-бетда).

**Фан ва амалиёт**

Муборак туманидаги “Иссиқлик электр маркази” очиқ акциядорлик жамиятида амалиётга жорий этилган инновацион лойиҳа шарофати билан 70 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

## Инновацион лойиҳа шарофати

Гап шундаки, корхона мутахассиси Акбар Тошев томонидан яратилган мазкур ихтиро асосида иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш цехидаги ёрдамчи ускуналарнинг мотор редукторлари энг илғорлари билан алмаштирилди. Натижада асосий қозон цехидаги шундай қурилмаларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги бир неча баробарга ортди. Бу умумий ҳисобда йилига 70 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий фойдани ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

# Муқаддас қўрғон

*“Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор”. Юртбошимизнинг ушбу сўзлари замирида азал-азалдан халқимиз учун муқаддас саналган оиланинг давлат ва жамият равнақида тутган ўрни яққол ифодаланган.*

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

Оилага тарбия ўчоғи, ҳаёт мактаби, деган ибораларнинг қўшиб айтилишида ҳам жуда кенг маъно мужассам. Яъни фарзандларимизнинг ҳаёт ҳақидаги илк қарашлари айнан шу масканда шаклланади, ривожланади. Юртимизда яшаётган, улкан орзу-ҳавас билан ўғил-қиз ўстираётган ота-оналаримиз ҳам бу масъулиятни чуқур англаб, ҳар бир қилаётган ишим эртага ўрнимни босадиган фарзандим бахту саодати учун, деб билишади. Уларга бутун борларини бериб, ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши учун жон куйдиришади. Давлатимиз ушбу эзгу ниятларнинг рўёбга чиқиши учун барча шароит-шароитни яратиб бермоқда.

Шундай оилалар борки, эл назарига тушгани ва келажагини тўғри белгилай олгани учун уларга кўпчилик ҳавас билан қарайди. Ўзаро ҳурмат, ишонч, садоқат туйғуларини юксак қадрлайдиган Ёқубжон ва Элёрахон ана шундай хонадон соҳибидирлар.

— 14 январь биз учун қўшалоқ байрам, — дейди Элёрахон Бекирова. — Турмуш ўртоғимни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклАсам, улар мени туғилган куним билан қутлайдилар. У киши хизмат вазифаси билан бирга оилани ҳам бирдек қадрлайдилар. Айниқса, фарзандларимиз тарбиясига жуда эътиборли. Бахтлиман.

Хонадон эркатойлари Камилахон биринчи синфда ўқийди, Зулфия эса уч ёшга кираяпти. Келажак давомчиларининг одоб-ахлоқи, тарбияси ҳавас қиларли, билим олишга эса иштиёқи баланд.

— Президентимиз тинчлигимизнинг қадрига етиш ҳақида кўп гапирадилар, — дейди офицер Ёқубжон Бекиров. — Дарҳақиқат, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлса, яхши кунлар ярашади, тўй-томошалар кўнгилга сиғади. Бу борада шахсий тарғиб билан ҳам кўп фикрлашамиз, суҳбатлашамиз. Зиммамизга улкан масъулият юкланганини дилдан ҳис қиламиз.

(Давоми 2-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

## Аҳоли эҳтиёжи ҳар томонлама таъминланмоқда

**2012 йил — Мустаҳкам оила йилида мамлакатимизда давлат бюджети умумий харажатларининг**

**59**

**фоизи айнан социал соҳаларга йўналтирилди.**

Бу пировардида аҳолининг эҳтиёжини ҳар томонлама таъминлаш имконини берганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳайратдаман, — дея ўз фикрларини баён этган эди ўшанда АҚШнинг Рамапо коллежи директори ўринбосари, профессор Майкл Эдельштейн. — Глобаллашув даврида тараққиётнинг энг муҳим шарти, шубҳасиз, таълим жабҳасини жаҳон андозаларига уйғун тарзда тараққий топтиришдир. Мамлакатингизда мазкур соҳага айнан шу мезон асосида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Мен Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида бўлдим. Аввало, бу ердаги хоналарнинг кенглиги, шинамлиги ва ёруғлиги эътиборимни тортди. Таълим муассасасининг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкам. Ўқувчилар энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, билимларини бойитмоқдалар. Уларнинг, айниқса, учтўртта тилда эркин сўзлаша олиши ҳавасимни уйғотди. Бунга мен жуда қизиқ бир ҳолат устида амин бўлдим. Гап шундаки, ўқувчилардан бирига савол бериш мақсадида ёнимга таржимонни чақиртирдим. Буни ёш йигитча тушунибди ва менга қараб “Таржимонга ҳожат йўқ, инглиз тилини жуда яхши биламан, қандай саволингиз бўлса, тайёрман” деди. Мана шу оддий ҳолатнинг ўзиёқ Ўзбекистонда таълим самарадорлиги юқори эканлигини намоён этади...

Бевосита жойларда бўлиб, тадбиркорлар фаолиятини ўрганган хорижликлар ҳам шу каби ижобий фикрларни изҳор қилиб, бизнес соҳаси вакилларига қўлланилаётган енгилликларни алоҳида тилга олиб ўтишди. Чиндан ҳам, ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш мақсадида юртимизда ҳар йили кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ўтган йилда ушбу йўналишда қатор қонунлар қабул қилинди, мавжудлари такомиллаштирилди. Президентимизнинг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳаётга татбиқ этилди. Булар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини ва қулайлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади, албатта.

# Бунёдкорлик, янгиланиш ва истиқбол

2012 йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда шу қадар кўп янгиликлар, ютуқ ва марралар қўлга киритилдики, уларнинг ҳаммасини битта мақолада ифода этишнинг имкони йўқ. Лекин айрим лойиҳаларни тилга олиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Самарқандда “JV MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонасининг “MAN” катта юк автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заводи очилди. “White Machine Technology” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида LCD телевизорлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Навоий иссиқлик электр станциясида газ сиқиш компрессор станциясини қуриш лойиҳаси амалга оширилди. Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида пенобетон маҳсулотлари, цемент, ғишт, гипсокартон, сендвич панеллар, замонавий пол қопламалари ишлаб чиқарувчи қатор корхоналар фойдаланишга топширилди. Ҳаво кемалари паркини янгилаш ва ҳаво транспорти инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида Миллий авиакомпания томонидан 2 та янги “Боинг-767-300ER” самолётлари қабул қилиб олинди.



Май ойида пойтахтимизда “Ўз-Кор Газ Кемикал” қўшма корхонаси ва кредиторлар консорциуми ўртасида газ қазиб олиш ва нефть-кимё мажмуаси соҳасидаги “Сурғил” кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши” лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича кредит ҳамда лойиҳа битимлари пакети имзолангани 2012 йилдаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Чунки молиявий ҳужжатнинг имзоланиши лойиҳанинг асосий босқичи бўлиб, у қўшма корхона ва унинг пудратчиларига кенг миқёсдаги қурилиш ишларига киришиш имконини беради.

— Бундан 20-30 йил олдин Устюрт кенгликларида шундай йирик иқтисодий мажмуа қурилишини сира тасаввуримизга сиғдира олмасдик, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли археолог олим Ғайратдин Хўжаниязов. — Эътибор беринг, мазкур лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу озмунча маблағ эмас. У амалга ошгач, 2016 йилдан бошлаб йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газ, 400 минг тонна юқори зичликдаги полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқарилади. Минглаб иш ўринлари яратилади. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти янада гуллаб-яшнайди, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятлари бундан-да кенгаяди, деганидир.

Айтиш жоизки, лойиҳа доирасида хорижий банклар томонидан жалб қилинган заёмли молиялаштиришнинг умумий ҳажми 2,5 миллиард доллардан ошади. Ушбу маблағлар етакчи молия институтлари ва тижорат банклари томонидан суверен кафолатисиз ажратилгани халқаро ишбилармон доиралар ва молия институтларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотларга, йирик юқори технологияли лойиҳаларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилишига, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг барқарор ва изчил ривожланишига, макроиқтисодий барқарорлик ва қулай инвестиция муҳитига бўлган қатъий ишончидан далолатдир.

Албатта, бизнес муҳитига бўлган ишонч жуда кўп нарсани англатади. Яна янги режалар, ғоялар рўёбига йўл очади. Яқинда Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган Maplecroft консалтинг компанияси томонидан эълон қилинган узоқ муддатли инвестициялар жалб этиш учун дунёдаги қулай мамлакатларнинг навбатдаги рейтингида Ўзбекистон дастлабки йигирмата давлат қаторига киритилгани ҳам юртимиздаги қулай ишбилармонлик муҳитининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Мустаҳкам оила йили, айтиш мумкинки, жуда кўп хонадонларга қувонч олиб келди, бахтли онларни туҳфа этди. Чунончи, ўтган йилда барчанинг эътиборини қозонган йирик лойиҳалардан бири, шубҳасиз, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, “Меҳр нури” жамоат фонди, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ўтказилган “1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари” хайрия тадбири бўлди.

— Мазкур лойиҳа ташаббускорларидан умрбод миннатдормиз, — дейди Учтепа туманилик Абдулборий Нуруллаев. — Улар туфайли ҳаётимиздаги энг қувончли кунимизни нишонладик. Оиламиздагилар ҳам хурсанд. Айниқса, турмуш ўртоғим Холидахоннинг қувончини айтмайсизми. Ахир тўйимиз ҳамма ҳавас қиладиган даражада ўтди-да. Шу боис Мустаҳкам оила йилини биз доимо ширин хотиралар билан ёдга оламиз.

— Неварам Шоҳрумнинг суннат тўйини ўтказишимизда лойиҳа ташаббускорлари бизни бажонидил қўллаб-қувватлашди, — дейди Бухоро вилоятининг Когон туманида истиқомат қилувчи Мунира опа Жумаева. — Аслида ҳамманинг бошини қовуштириб, савобли ишларни қилиш, бировга ёрдам қўлини чўзиш осон иш эмас. Юртимизда шундай саховатпеша инсонлар борлигидан қувонамиз. Қўлимиз доимо дуода, уларга соғлик-омонлик тилашдан чарчамаймиз.

Халқимиз “Тўйлар тўйларга улансин”, деб яхши тилак билдиради. Бундай эзгу ниятлар амалда ўз ижобатини ҳам топмоқда. Аниқроғи, Мустаҳкам оила йилида нафақат никоҳ ёки суннат тўйлари, балки кўплаб уй тўйлари ҳам нишонланди. Қизилтепа туманида яшовчи Раҳмиддин Ҳафизов намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлардан бир йўла иккитасига эга бўлди.

— Уй эмас, нақд кошонанинг ўзгинаси, — дейди Раҳмиддин ака. — Хоналари кенг, ёруғ. Ҳамма шароитлари бор. Ишонасизми, ҳалигача меҳмон кутаман. “Муборак бўлсин”га келганлар бир пиёла чойдан сўнг уйни бирров сайр қилиб чиқишади. Оғзиларидан бол томиб мақташади. Ҳақиқатан ҳам, мақтаса арзийди. Ҳовли тўйи ўғилларим Фахриддин ва Ойбекжонларнинг никоҳ тўйларига уланиб кетди. Бундай кунларга етказганига фақат шукр қиламиз.

Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида барпо этилган кўп қаватли замонавий уйлардан иборат мажмуа нафақат янги уй соҳиблари, балки барча юртдошларимизга қувонч улашди. Зеро, ҳар бири 7 қаватли 8 та уйдан иборат мазкур мажмуада яратилган шарт-шароит ва қулайликлар ҳамда унинг замонавий дизайни дилни яйратади, кўзни қувонтиради. 2012 йил — Мустаҳкам оила йили сўнгида ва 2013 йил — Обод турмуш йили арафасида фойдаланишга топширилган бу гўзал маскан халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яққол намойиши бўлди.

Мухтасар айтганда, инсон қадри азиз бу муқаддас заминда беармон яшаш учун бекиёс имкониятлар мавжуд. Буларнинг барчаси Президентимиз олиб бораётган халқпарвар сиёсатнинг тотли меваларидир. Шубҳасиз, Обод турмуш йилида бундай эзгу ишлар янги босқичга кўтарилади.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# Дориламон кунлар саодати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Довруғимиз дунёга ёйилмоқда

**2012** йил халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Қай бир соҳага назар ташламанг, ажойиб ютуқларга эришилганига гувоҳ бўласиз. Биргина ҳунармандчиликни олиб кўринг. Жамоат ташкилоти саналган марказимиз халқ амалий санъатининг унутилаёзган турларини қайта тиклаш, миллий ҳунармандчилигимиз шуҳратини жаҳонга таратиш борасида жуда кўп ишларни амалга ошираяпти. Ҳозир бу ерда эллик нафардан зиёд моҳир уста меҳнат қилмоқда. Улар кўплаб халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Масалан, АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида ўтадиган дунё ҳунармандлари кўргазмасида ҳар йили 15-20 нафар вакилимиз қатнашади. Мазкур нуфузли тадбирга бутун жаҳондан атиги юз нафар ҳунарманд таклиф этилади. Шунинг ўзиёқ ўзбек халқ амалий санъатининг дунёда тан олинганидан далолат беради.

Дарвоқе, 2012 йил ўзим учун ҳам омадли келди. “Йил аёли” миллий танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқдим. Янги йилда халқ амалий санъатини, хусусан, оилавий ҳунармандчиликни янада равнақ топтириш, шу орқали юртимиз довруғини дунёга ёйиш ниятидамиз.

**Матлуба БОЗОРОВА,**
**Бухоро ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази раиси.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Йўловчилар учун қулайлик

**Ю**ртбошимизнинг Янги йил табригида Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олаётган юксак марраларга эришишида, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда, аввало, шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Албатта, бу барча юртдошларимизнинг меҳнатига берилган юксак эътирофдир.

Фаолиятимиз мисолида айтадиган бўлсак, жамоамиздаги фидойи, жонкуяр ходимлар саъй-ҳаракати билан вилоятимизда йўловчи ташиш тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан, якунланган йил биз учун ислоҳотлар, модернизация ва янгиланишларга бой бўлди. Жумладан, банк кредити эвазига Самарқанд автомобиль заводидан янги, юмшоқ ўриндиқли 22 та “Isuzu” русумли автобус келтирдик. Айни пайтда улар вилоят марказини Бухоро шаҳри, Нурота ва Хатирчи туманлари билан боғлаб турибди. Шунингдек, Навоий шаҳридан Ҳазора, Тиконли, Даугистов, Янги турмуш, Мирдош, Олтинсой, Кўксарой, Янгиработ, Ажрим, Ғазғон каби олис ва чекка аҳоли яшаш манзилларига ҳам янги қатновларни йўлга қўйдик.

Обод турмуш йилида бу борадаги ишларимиз кўламини янада кенгайтириб, аҳоли узоғини яқин қилиш йўлида астойдил меҳнат қилишда давом этамиз.

**Салоҳиддин ЖАМОЛОВ,**
**Навоий шаҳридаги «Аскомжтранс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

## Баркамол ёшлар — эртамиз таянчи

**Б**угун юртимизда ҳар қандай хайрли ташаббус, эзгу иш эътибордан четда қолмайди. Айниқса, эл-юрт тараққиётига қаратилган интилишлар юксак рағбатга, мукофотга муносиб кўрилади. Буни ўз ҳаётим, фаолиятим мисолида баралла айта оламан. Хусусан, 1996 йилда II даражали “Соғлом авлод учун” ордени, 2008 йилда эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонига сазовор бўлган эдим. 2012 йил ҳам ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Президентимиз Фармонига биноан, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирландим. Бундай эътирофни жамоамизнинг, мен каби спорт мураббийларининг баркамол авлод тарбияси йўлидаги камтарона меҳнатига берилган юксак баҳо, деб биламан.

Мураббий сифатида ишонч ва фахр билан айтаманки, юртимизда интилувчан, фидойи, иқтидорли ёшлар кўп ва уларнинг муваффақиятга эришишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бундай эътибор самарасини 2008 йилги Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, бокс бўйича халқаро мусобақаларнинг бир неча бор ғолиби ва совриндори Хуршид Тожибоев каби кўплаб шогирдларим ҳамда уларнинг издошлари тимсолида кўраман. Бу эса биз, устозларга юксак ғурур бағишлайди.

**Баҳодир МИРЗАҚУЛОВ,**
**Пахтакор туманидаги Болалар ва ўсмирлар маданий спорт маркази директори.**

# Муқаддас қўрғон

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар сифатларини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу боис маҳоратимизни мунтазам ошириб боришга интилаяпмиз.

Дарвоқе, Ёқубжон Бекиров Наманган вилоятида туғилган. Дастлаб Чуст шаҳридаги 3-умумтаълим мактабида, кейинчалик Тошкент шаҳридаги ҳарбий лицейда таҳсил олди. Спортнинг бокс тури билан шуғулланади. Бу олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришида жуда асқотди. Ўқишни тамомлагач, Хоразм вилоятида чегара пости бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизмат фаолиятини бошлади. Вазифасига сидқидилдан ёндашгани, мардлик намунасини кўрсатгани учун 2007 йилда офицер “Жасорат” медали билан тақдирланди.

— Кишининг оиласидан кўнгли тўқ бўлса, ишида ҳам унум бўлади. Шу маънода айтганда, Президентимизнинг ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги бекиёс ғамхўрликлари юрт посбонларининг руҳини янада кўтариб, ўз бурчини масъулият билан бажаришига замин яратаяпти, — дея сўзини давом эттиради Ёқубжоннинг турмуш ўртоғи Э. Бекирова. — Биз ҳам ана шу ислоҳотлардан баҳраманд бўлиб, фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Уч хонали уйимиз бор. Хоналари кенг, шинам. Мен ҳарбий хизматчининг рафиқаси эканимдан ҳамиша фахрланаман. Фурсатдан фойдаланиб, юртимизнинг жасур, мард ва фидойи ўғлонларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман. Мамлакатимиз тинч, оилаларимиз мустаҳкам бўлсин!

Оила — тарбия маскани. Унда эркак ва аёл ўзидаги бор эзгу фазилатларни юзага чиқариб, ҳаракат қилсагина, мустаҳкамланиб боради, элда ўрин топади. Фарзандлар эса улардан ўрнак олиб, вояга етади. Ёқубжон ва Элёрахон мана шу ақидага риоя этган ҳолда яшаётгани уларнинг бахти бардавомлигидан далолатдир.

**Раззоқ ШАЙМАРДАНОВ,**
**подполковник.**

## Жараён

*Узун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зарнигор Норбоева банкнинг имтиёзли кредити асосида тикувчилик цехини ташкил қилди. Аёллар учун бежирим либослар тайёрлаш билан фаолият бошлаган мазкур корхонада ҳозир болалар ва катталар учун ўнлаб турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилаяпти.*

# Кеча талаба, бугун тадбиркор

Зарнигорнинг яна бир дугонаси Шоҳсанам Жумаева эса ўзи яшайдиган Чинор маҳалласида паррандачиликни йўлга қўйди. Унинг бизнес лойиҳаси банк томонидан қўллаб-қувватланиб, 3 миллион 100 минг сўмлик кредит ажратилди. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган кичик корхона жамоаси аҳоли дастурхонига парҳез гўшт ва тухум етказиб бермоқда. Эндиликда у корхона фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида. Бу эса Шоҳсанамнинг бизнеси барқарор ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Сурхондарёлик бу ёш тадбиркорларнинг илк муваффақиятларидан бежиз сўз очмадик. Президентимиз яқинда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида “...бугунги кунда четга сотаётган полуфабрикатни тайёр маҳсулотга айлантириш бўйича бизда улкан имкониятлар мавжуд, деб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган, интеллектуал ва маънавий даражаси, замонавий касб-ҳунар ва етакчи хорижий тилларни билиши жиҳатидан тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан баҳслашишга, керак бўлса, курашишга, ҳар қандай мураккаб вазифани уддалашга қодир бўлган ёшларимиз бугун ҳаётга кириб келяпти. Бу барчамизга ғурур ва ифтихор етказади, албатта”, дея таъкидлаган эдилар.

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари Сурхондарё ёшларига ҳам билдирилган юксак ишонч, десак, янглишмаган бўламиз. Зеро, янги иш ўринлари яратиш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда ана шундай ғайратшижоатли йигит-қизларнинг иштироки тобора кенгайиб бораётир.

— Тадбиркор ёшларнинг юрт равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани қувонарлидир, — дейди Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Пардабой Оромиддинов. — Вилоятда 2012 йил давомида 300 нафарга яқин битирувчига барча манбалар ҳисобидан салкам бир миллиард 981 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу эса уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаб олишлари учун бошланғич сармоя вазифасини ўтади. Қолаверса, маҳаллий ҳокимият органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

**● Урганч шаҳрилик тадбиркор Арслон Қаландаров раҳбарлик қилаётган “Мини-аккумулятор” корхонасида янги русумдаги аккумулятор моноблоклари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди. Натижада корхонанинг бу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш қуввати икки баробарга ортиб, 10 та қўшимча иш ўрни яратилди.**

● Навоий шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Замирбек полвон” масъулияти чекланган жамияти томонидан йодланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 100 миллион сўмлик банк кредити эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли йилига 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди.

**● Бухоро шаҳрида “Энг намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танлов қатнашчиларида Бухоро шаҳридаги Абдухолиқ Ғиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 35-сонли милиция таянч пунктининг осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар билан ишлаш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Мазкур милиция таянч пункти танловда биринчи ўринни эгаллаб, тадбирнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.**

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Нурли манзиллар таровати

*Бунёдкорлик — халқимизга хос хислат. Айтиш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида бу борадаги ишлар ўзгача маъно ва янгича қиёфа касб этмоқда. Буни кейинги йилларда қишлоқ аҳолиси учун замонавий тураржойлар қурилиши жараёнида ҳам кўришимиз мумкин.*

## Ислоҳот

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, барпо этилаётган мазкур замонавий ва шинам уйлар нафақат қишлоғу овуллар чиройига чирой қўшмоқда, балки минглаб дилларга қувонч бағишламоқда. Бошқача айтганда, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сифатли қурилиш материаллари асосида бунёд этилаётган янги уйларга эга бўлишни ҳар бир юртдошимиз орзу қилмоқда.

— Хусусан, ўтган йилда Оролбўйи аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида 400 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Шукрулла Кожабаев. — Умуман, мустақиллик йилларида ҳудудимизда 6134,5 километрлик газ, 5082,6 километрлик ичимлик суви тармоқлари ишга туширилгани қишлоқ ва овулларимизда яшаётган аҳоли турмушини янада яхшилашга хизмат қилаяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида бунёдкорлик ишлари учун ажратилган маблағ миқдори эса бир триллион 862 миллиард сўмга етди.

Дарҳақиқат, бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби Оролбўйида ҳам кенг бунёдкорлик жараёни кечмоқда. Бирибиридан гўзал, замонавий ва муҳташам иншоотлар ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Масалан, сўнгги йилларда Нукус шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент аграр ва ахборот технологиялари университетлари, Тошкент тиббиёт педиатрия институтининг филиаллари ташкил этилгани ёшларнинг пухта билим олишига замин яратган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги муҳташам биноси мумтоз шоир Бердақ ҳайкали қад ростлаган марказий майдонга ўзгача кўркамлик бахш этди.

Бу каби улкан бунёдкорлик ишлари олис қишлоқларда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Мисол учун, 2011 йили Амударё туманида 360 ўринли касб-ҳунар коллежи реконструкция қилиниб, Қораўзак ва Шуманай туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари капитал таъмирланди. Ўтган йилда эса Беруний ва Тўрткўл туманларида иккита янги мактаб фойдаланишга топширилди. Шуманай, Кегейли, Мўйноқ ва Нукус туманларидаги мусиқа ва санъат мактаблари реконструкция қилинди.

— Ўтган йиллар Қорақалпоғистон саноатида ҳам ўзгаришлар даври бўлди, — дея сўзини давом эттиради Ш. Кожабаев. — Айтайлик, Қўнғирот сода заводи ишга туширилиши билан ўнлаб пудратчи қурилиш корхоналари йирик ишлаб чиқариш объектларини бунёд этиш борасида бекиёс тажрибага эга бўлишди. Айни пайтда маҳаллий мутахассисларимиз томонидан барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуи бунинг тасдиғидир.

Қурилиш кўламининг кенгайиши маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланган ҳолда, сифатли ва арзон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш эҳтиёжини ҳам юзага келтириши, табиий. Шу маънода, минтақада замонавий ускуналар билан жиҳозланган 23 та ғишт заводи фаолияти йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

Албатта, бунёдкорлик жараёнини йўлларсиз ёки замонавий инфратузилмасиз тасаввур этиш мушкул. Қорақалпоғистон замини табиий захираларга бойлигини инобатга олсак, уларни ташиб келтиришда бу омилнинг нақадар муҳимлиги аён бўлади. Ҳозир республикада автомобиль йўлларининг узунлиги 4100 километрни ташкил этиб, шундан 664 километри мамлакат, 979 километри республика ва 2491 километри маҳаллий аҳамиятга моликдир. Қолаверса, юк ва йўловчи ташишнинг 80-85 фоизи автомобиллар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 августдаги “Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот” автомагистрали қурилишини лойиҳалаштириш тўғрисида”ги қарори ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун пухта замин яратди. Хусусан, Ўзбек Миллий автомагистралининг 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган махсус дастури тасдиқланиб, унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи 652 километрлик йўлни қайта қуриш, шунингдек, йўл четларида кемпинг, автомобилларга ёнилғи қуйиш ва техник хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, бугунги кунда Оролбўйи қурилиш саноатида 601,3 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Мутасаддилар соҳани етук мутахассислар билан таъминлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратаётганлари юртимиз иқтисодиёти бундан-да юксалиши, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлишидан далолат бермоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Инновацион лойиҳа шарофати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жамият директори Комил Хайруллаевнинг таъкидлашича, корхона мутахассислари ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари томонидан амалга оширилаётган бир қатор рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқариш цехини модернизация қилишда қўл келмоқда. Жумладан, улар кўмагида марказ станциясининг автоном тизимда ишлаши йўлга қўйилди. Бу эса электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, марказда келгусида 130-150 мегаватт қувватли газ турбинаси қурилиши ҳисобига техник янгиланиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа рўёбга чиққач, станциянинг қуввати яна уч баробарга ортади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Молия муассасаларида

*Поёнига етган 2012 йил халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Барча жабҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар юртдошларимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Биргина иқтисодиётни олайлик. Соҳада қайд этилган натижаларни Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли молия ташкилотлари ҳам алоҳида эътироф этди.*

# Кичик бизнес ва муносиб рағбат

Бу ҳақда Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида алоҳида тўхталар экан, жумладан, молия муассасалари раҳбарлари, мутахассислари ва хизматчиларига миннатдорлик билдирганди. Албатта, бундай юксак ишонч ва эътибор соҳа вакиллари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Эришилган ана шундай ютуқларда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Навоий вилояти бўлимининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айтиш жоизки, мазкур молия муассасаси тадбиркорларнинг энг яқин ҳамкорига айланиб бормоқда. Буни ўтган йилнинг январь-ноябрь ойларида банк томонидан 403 та кичик бизнес субъектига жами 43 миллиард 669,5 миллион сўм кредит маблағи ажратилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

— Вилоятимизда соҳа вакилларининг бизнес лойиҳаларини, чунончи, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Хитой Давлат тараққиёт банки ҳамда Корея экспорт-импорт банки кредит маблағларидан самарали фойдаланилаяпти, — дейди "Ўзмиллийбанк" вилоят бўлими бошқарувчиси ўринбосари Илҳом Ҳусенов. — Масалан, Хитой Давлат тараққиёт банки сармояси ҳисобидан 6 та лойиҳа рўёби учун жами 2 миллион 787 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Ҳозир Зарафшон шаҳридаги "Zarafshon Izvest" МЧЖ негизида қиймати 1 миллион 275 минг АҚШ долларилик "Замонавий технологиялар асосида карбид кальций ишлаб чиқаришни ташкил этиш" инновацион лойиҳаси ижроси учун мазкур банкнинг 748,4 минг АҚШ долларилик навбатдаги кредити ўзлаштирилмоқда. Бу истиқболда 49 та қўшимча иш ўрни яратилишига асос бўлади.

> Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Корея экспорт-импорт банки кредити ҳисобидан Навоий шаҳридаги "Ibroxim Navoiy" хусусий корхонаси негизида 1 гектар майдонда томчилатиб суғоришга асосланган замонавий иссиқхона мажмуасини ташкил этиш ва унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун 391 минг АҚШ доллари ажратилди. Мазкур лойиҳа тўлиқ рўёбга чиққач, ички ҳамда ташқи бозорга 175 тонна помидор ва бодринг етказиб берилади.

Шунингдек, вилоятдаги иқтисодий ночор, камқувватли корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Яъни "Ўзмиллийбанк" Навоий вилояти бўлими ва филиаллари томонидан 13 та шундай корхонани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 8 миллиард 613 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилди. "Кармана Гипс Инвест", "Навоий Нурий Замин", "Марзияхоним", "Гули Моҳларойим" каби ишлаб чиқариш субъектлари шулар жумласидандир.

Такомиллаштирилган сервис хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиб бориши мамлакат иқтисодиёти тараққиёти туфайли юзага келади. Албатта, юрт равнақига хизмат қиладиган эзгу ташаббусларни амалга оширишда моддий рағбатнинг алоҳида ўрни бор. Эътиборлиси, бундай хайрли ишлар натижасида нафақат шаҳар, туманлар марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам кўплаб шохобчалар ташкил қилиниб, аҳолига юқори даражадаги хизматлар кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мазкур банкнинг бўлими ва филиаллари томонидан жами 1 миллиард 962,9 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари аҳолига замонавий сервис хизматларини кўрсатишни ривожлантиришга йўналтирилди.

Аҳолининг банк тизимига ишончи тобора ортиб боришида уларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш янада рағбатлантирилаётгани, қулай, тезкор, замонавий банк хизматлари, жозибадор омонат турлари жорий этилаётгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда "Ўзмиллийбанк" вилоят бўлими томонидан миллий валютада "Ниҳол", "Пенсионний" (йиллик 23 фоиз), "Сармоя" (йиллик 22 фоиз), "Кўпайсин" (йиллик 23 фоиз), хорижий валютада "Файзли" (йиллик 6 фоиз), "Туҳфа" (йиллик 10 фоиз) каби омонат турлари таклиф этилмоқда. Шунингдек, пластик карточкалар орқали мижозларга янги хизмат турлари ҳам тақдим қилинаяпти.

— Ўтган йилнинг 11 ойида воҳадаги барча тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларига жами 499 миллиард 538,2 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди, — дейди вилоят Марказий банки бош бошқармаси кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Нуриддин Ҳайдаров. — Шундан 234 миллиард 910 миллион сўмлик қисми кичик бизнес вакиллари улушига тўғри келди. Бу эса ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида 13 минг 240 та иш ўрни яратилишига асос бўлди. Обод турмуш йилида ана шу йўналишдаги ишлар қамровини янада кенгайтириш режалаштирилган.

**Азамат ЗАРИПОВ.**


*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг 2012 йил 21 ноябрдаги 227-сонида чоп этилган**

**«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси учун компьютер техникаларини етказиб бериш TE.DSQ.2012 -1»**

**лойиҳаси бўйича тендер савдоларида қатнашиш учун тендер таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси учун компьютер техникаларини етказиб бериш TE.DSQ.2012-1» лойиҳаси бўйича тендер савдоларида қатнашиш учун тендер ҳужжатларини қабул қилиш муддати узайтирилишини эълон қилади ҳамда тендерда иштирок этиш учун маҳаллий ва хорижий ташкилотларни, шу жумладан, кичик бизнес корхоналарини ҳам таклиф этади.**

* ***Тендер мавзуси*** — 1000 дона компьютерни харид қилиш.
* ***Товарни етказиб бериш шартлари*** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг омборига, шартнома суммасининг 15% тўланганидан сўнг 50 банк кунидан кечикмаган ҳолда.
* ***Харид қилинадиган товарнинг энг юқори баҳоси*** — 1 800 000 сўм (бир донаси учун).
* ***Тендерда иштирок этиш ва квалификация танловидан ўтиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб*** 30 кун давомида қабул қилинади.
* ***Тендер таклифларини қабул қилишнинг якуний муддати*** — 2013 йил 4 февраль соат 18.00 гача.
* ***Тендер ҳужжатларининг баҳоси*** — 500 000 сўм.
* ***Тендер иштирокчилари учун тендер таклифларини топширишдаги бўнак суммаси*** — 27 000 000 сўм.

Тендер иштирокчилари тендер ҳужжатлари ва уни ўтказиш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги сайтида танишишлари мумкин: **www.soliq.uz**

**Тендерда иштирок этиш учун ҳужжатлар тўпламини тендер комиссиясининг ишчи органидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй. Телефонлар: (8-371) 244-97-14, 244-97-66, 244-97-44. Факс: (8-371) 244-22-96.**

2224R/1175



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2010 йил 24 майдаги 1-1742/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор 26-мавзеси, Лутфий кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 1156 кв.м. бўлган 2 қаватли бинонинг 2-қавати такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 307 026 690,98 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 25 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

06R/1441

*Лицензия: RR-0001.*



**«ТУРОН КЎЧМАС МУЛК САВДО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ**

**билан ҳамкорликда нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ танлов ва аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 73-Т-сонли буйруғи ва Урганч шаҳар ҳокимининг 2012 йил 21 июлдаги 1132 к-сонли қарорига асосан, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Махтумқули кўчаси, 279-уйда жойлашган, умумий ер майдони 710,72 кв.м.ни, шундан қурилиш ости ер майдони 231,25 кв.м.ни ташкил қилган, Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳисобидаги собиқ 17-мактабнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари (кейинги ўринларда «давлат объекти» деб юритилади) танлов савдосига қўйилади.

***Бошланғич баҳоси — 142 000 000 сўм.***

Давлат объектини танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:
— *энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;*
— *камида 400 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;*
— *камида 15 та янги иш ўрнини очиш;*
— *сотиб олиш тўлови ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.*

Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар белгиланган тартибда ҳужжатларни «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖ (савдо ташкилотчиси)га тақдим қиладилар.

Давлат объектлари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули закалат келишувига асосан, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904925192001, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги тўлов эвазига олади. Ушбу тўлов савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904925192001, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Танлов савдоси 2013 йил 6 февраль куни соат 12.00 да Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши биноси, 2-қават, 206-хонада бўлиб ўтади. Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 5 февраль куни соат 18.00.

Танлов савдоси натижаларига кўра, ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлов суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо ғолиби давлат объектининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сумманинг тўланишини таъминлайди.

**2.** Очиқ аукцион савдосига Хонқа тумани ҳокимининг 2012 йил 4 июндаги 660-сонли қарори ва Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 20 сентябрдаги 66-КОС-сонли буйруғига асосан, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Навхос қишлоғи, Зинахос маҳалласида жойлашган, Хонқа тумани ҳокимлиги ҳисобидаги маъмурий бино ва иншоотлар, умумий ер майдони 633,39 кв.м.ни, шундан қурилиш ости ер майдони 576,33 кв.м.ни ташкил қилган маъмурий бино, қурилиш ости ер майдони 57,06 кв.м.ни ташкил қилган бостирма, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга.

***Бошланғич баҳоси — 224 600 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 6 февраль куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уйда бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан савдо ташкилотчиси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома чоп этилган санадан бошлаб ҳафтанинг иш кунлари соат 9.00 дан соат 18.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объектлар бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904925192001, АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Савдо ғолибига савдо кунидан кейин йигирма кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади. Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин.

**Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни савдо ташкилотчиси жойлашган манзил ва (8-362) 224-13-97 телефони орқали олиш мумкин.**

**Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти Кенгаши биноси, 2-қават, 206-хона. Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг ишонч телефони: (8-362) 226-16-55. Расмий сайтимиз: www.tkms.uz**

05R/03

***Лицензия: RL-001 RR-0088.***



*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Наманган вилояти, Норин тумани, Норин шаҳри аҳолиси учун «Хаққулобод-2» сув иншоотини мукаммал қайта қуриш.**

***Объект бошланғич нархи:***
— ҚҚС билан 3 713 142 545 сўм;
— ҚҚСсиз 3 094 285 454 сўм.

***Якунлаш муддати*** — 300 кун.

***Буюртмачи:*** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.

***Телефонлар:*** (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш Республика давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

***Диққат!*** Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй.**
**Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

***Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**
**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.**

**Таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.**

07R/04



**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

11R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

**иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.**

**Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун**
**(8-371) 241-41-06**
**телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.**

*Иш вақти – ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача.*

**Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй.**

1806R/1187



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

02


"Тафаккур" журнали жамоаси журнал бош муҳаррири Эркин Аъзамга укаси

**Воҳид АЪЗАМОВнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор, етакчи илмий ходим

**Холдор Эгамбердиевич ЯКУБОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Давлат молияси ва солиқлар кафедраси катта ўқитувчиси Шавкат Жуманиёзовга падари бузруквори

**РАҲИМ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# Қадим ва навқирон Самарқанд хитойлик журналист нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ижодкор Самарқанд бағрида жойлашган тарихий обидаларни “Шарқ меъморчилигининг чўққиси”, дея таърифлайди. Улар ҳар йили дунёнинг турли нуқталаридан келадиган минглаб сайёҳларни ўзига мафтун этаётгани, кўҳна шаҳарнинг Регистон майдони, Бибихоним масжиди ва Амир Темур мақбараси сингари диққатга сазовор жойларининг тавсифлари “Дунфан Цзаобао” ва “Метро экспресс” ўқувчиларини беихтиёр қадим Самарқанд бўйлаб хаёлан саёҳат қилишга ва унинг бири-биридан гўзал кўчалари бўйлаб сайр этишга чорлайди.

“Дунёнинг энг гўзал майдонларидан бири бўлмиш Регистон мажмуаси Марказий Осиёнинг “жавоҳири” саналади — майдоннинг уч тарафида осмонга бўй чўзиб турган Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари ўрта аср меъморчилигининг маҳобатли намуналаридир”, дея ўз фикрини давом эттиради хитойлик журналист.

Сўнгра Вей Син газетхонларни Бибихоним масжиди билан таништирар экан, мазкур маҳобатли иншоот нафис ва бежирим нақшлар билан безатилгани, ҳовли ўртасида мармартошдан ясалган улкан лавҳ ўрнатилгани ҳамда унинг атрофи нафис ҳошиялар, муқарнаслар, ўсимликсимон нақш ва ёзувлар билан безатилганини атрофлича таърифлайди. “Жоме масжиди пештоқи маҳобатли бўлиб, ўртасида улкан равоқ ўрнатилган. Пештоқнинг ички томонида ёнлари ўймакор мармартошлар билан безатилган кичик равоқ мавжуд бўлиб, унинг устидаги лавҳда масжид бунёд этилган вақт ҳамда Амир Темурнинг шажараси битилган”, деб ёзади у.

Ўзининг мукаммал шакли ва маҳобатли кўриниши билан кишини ҳайратга соладиган Амир Темур мақбараси таассуротларига тўхталар экан, муаллиф мақбара саккизбурчакли гумбаз асосида барпо этилгани ва бу ҳозирги замон мутахассисларини ҳам лол қолдиришини алоҳида қайд этган. Хитойлик журналистнинг ёзишича, мақбаранинг ички томони тилла суви югуртирилган нақшлар билан безатилган бўлиб, уларда Қуръони Карим оятлари исломий, ҳандасавий нақшлар ҳамда арабий хаттотлик санъати услубида битилган.

Муаллиф мустақиллик йилларида Самарқандда кенг кўламли ободонлаштириш, таъмирлаш, қурилиш ҳамда зиёратчилар учун қулайликлар яратиш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилгани ва бунинг натижасида шаҳарда кўҳна тарих ҳамда замонавий давр руҳи уйғунлашиб кетганини алоҳида таъкидлайди.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

# Ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

*Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2012/2013 ўқув йили битирувчилари учун “Карьера куни“ ўтказилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда “Микрокредитбанк” ОАТБ ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда иш берувчи корхона ва ташкилотлар мутахассислари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.*

## Бандлик

Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим омили ҳисобланади. Ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, энг аввало, ана шу эзгу мақсад рўёбига хизмат қилмоқда.

Олий ўқув юртларида ташкил этилаётган “Карьера куни” ҳам айнан ана шу эзгу мақсадга қаратилгандир. Мазкур тадбир таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро мутаносибликни мустаҳкамлашга, шунингдек, корхона ва ташкилотлар билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликни яхшилашга йўналтирилгани билан диққатга сазовор.

Жорий ўқув йилида Тошкент давлат иқтисодиёт университетини 27 та таълим йўналиши бўйича бакалавриат босқичини 953 нафар, 34 та мутахассислик бўйича магистратура босқичини 529 нафар талаба тамомлайди. “Карьера куни” давомида мутахассис кадрларга буюртма берган муассасалар билан университет ўртасида шартномалар тузилди.

— Бугун ҳар томонлама билимли, ўз мутахассислиги билан бир қаторда хорижий тилларни ҳам мукаммал эгаллаган кадрларга эҳтиёж катта, — дейди “Микрокредитбанк” ОАТБ бошқаруви раиси ўринбосари Ў. Бўтаев. — Шу боис биз 25 нафар битирувчи билан шартнома туздик. Ўқув йили тугагач, улар банкнинг Тошкент шаҳри ва минтақавий филиалларида иш бошлайдилар.

— Мутахассис сифатида ўз иш ўрнимга эга бўлдим, — дейди университетнинг “Банк иши” йўналиши бўйича бакалавриати Зафар Алиев. — Ўқишни тамомлагач, “Агробанк” ОАТБнинг Қашқадарё вилояти филиалида меҳнат фаолиятимни бошлайман. Ўзимга билдирилган ишончни, албатта, оқлайман.

Дарҳақиқат, муқим ва кафолатланган иш ўрни мустақил ҳаётга кириб келаётган ҳар бир ёш мутахассиснинг жамиятдаги ўрни ва фаровон ҳаёт тарзини белгилаб берувчи муҳим омилдир.

**М. ХОЛМАТОВА.**




## Маданият хабарлари

*“Камолот” ЁИҲ Марказий кенгашида ёшларнинг икки юздан ортиқ шеърлари жамланган “Оила — қутлуғ боғим” номли шеърий тўплам тақдимоти бўлиб ўтди.*

### «Оила — қутлуғ боғим»

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида нашр этилган ушбу тўпламдан иқтидорли ёшларнинг она-Ватан мадҳи, тинчлик қадри, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан илҳомланиб ёзган ижод намуналари ўрин олган.

**Ирода НАБИЕВА.**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройида “Болаларга меҳр ва эътибор” мавзуида тадбир бўлиб ўтди.*

### Меҳр ва эътибор оғушида

Унда мазкур соҳада фаолият юритаётган ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар тизими ходимларининг фарзандлари қатнашди.

Янги йил шодиёнаси болаларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Алишер ЭРГАШЕВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги*

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

***кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:***

- **Ижтимоий фанлар кафедраси:** катта ўқитувчи — 3 (Ўзбекистон тарихи — 1, фалсафа — 1, педагогик маҳорат — 1).
- **Фармакогнозия кафедраси:** доцент — 2, катта ўқитувчи — 1.
- **Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 2, ассистент — 1.
- **Фармацевтик кимё кафедраси:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
- **Дори турлари технологияси кафедраси:** ассистент — 1.
- **Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси:** доцент — 1 (биологик кимё), катта ўқитувчи — 2 (токсикологик кимё — 1, органик кимё — 1), ассистент — 2 (токсикологик кимё).
- **Биотехнология кафедраси:** ассистент — 1.
- **Фармация кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 3 (дори турлари технологияси — 1, фармакогнозия — 1, фармацевтика ишини ташкил қилиш — 1).
- **Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси:** профессор — 1.
- **Фармакология ва клиник фармацияси кафедраси:** доцент — 2 (ички касалликлар асослари, клиник фармация — 1, микробиология, гигиена — 1), катта ўқитувчи — 1 (клиник фармация), ассистент — 1 (микробиология, гигиена).
- **Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси:** доцент — 4 (физика — 1, электротехника — 1, автоматика — 1, олий математика — 1), катта ўқитувчи — 2 (информатика ва ахборот технологиялари — 1, физика — 1), ўқитувчи — 2 (муҳандислик графикаси — 1, информатика ва ахборот технологиялари — 1).
- **Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи — 2 (лотин тили).

*Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: (8-371) 256-37-38, 256-38-50.**

2098A/1444

**«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**2013 йил 5 февраль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг ижро хатига асосан, Кегейли тумани СИБ томонидан давлат фойдасига хатланган қуйидаги мулклар савдога қўйилмоқда: «Халқабад мамыгы» АЖда вақтинча сақланаётган:**

- ОБХ ускунаси, бошланғич баҳоси — 4 912 000 сўм;
- «ПТС-4» русумли трактор тиркамаси, бошланғич баҳоси — 2 875 000 сўм;
- ОКМ культиватори, бошланғич баҳоси — 2 940 000 сўм;
- «Доминатор-204 клаас» русумли комбайн, бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм;
- «ВТ-150» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 29 164 000 сўм;
- «УАЗ» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 23 QR 235, бошланғич баҳоси — 15 587 000 сўм;
- «ТТЗ-80» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 12 525 600 сўм;
- пахта сеялкаси, бошланғич баҳоси — 1 807 000 сўм;
- «ДЭЛ» русумли ғалла ўриш ускунаси, бошланғич баҳоси — 3 210 000 сўм;
- «РМИ» русумли ускуна, бошланғич баҳоси — 1 334 000 сўм;
- «Дон» русумли сеялка, бошланғич баҳоси — 3 210 000 сўм;
- Кегейли ТИИБда вақтинча сақланаётган «ВАЗ-2121» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 23 E 8047, бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.

Мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 20 февраль куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 4-қават, 412-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув» имзоланганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, СТИР: 302083379, 20208000904932168010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

08R/870

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона. Телефон: (8-361) 222-11-73.** Гувоҳнома № 004059.

**САНОАТ КОРХОНАСИ**



нострандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини,

шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни,

электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини

**доимий ишга таклиф қилади.**

- Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.
- Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.
- Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

**Мулоқот учун телефонлар:**
**(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.**

Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d_kolov @ mail.ru

02A/1346

## ОБ-ҲАВО
(5 январь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -8 -13 | -2 -7 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | -5 -10 | 0 +5 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -5 -10 | 0 +5 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | -5 -10 | +2 +7 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -5 -10 | -3 +2 |
| Тошкент шаҳрида | -8 -10 | 0 +2 |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5